НИГОРА СУЛАЙМОНОВА

# БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИДА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

НИГОРА СУЛАЙМОНОВА

# БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИДА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**монография**

ТОШКЕНТ – 2021

**УДК: 811.512**
**КБК 83(5Ў)**
**С – 99**

**Сулаймонова, Нигора**
Баркамол шахс тарбиясида Маҳмуд Замахшарий асарларининг аҳамияти: монография. Қайта ишланган иккинчи нашр. – Тошкент, 2021. – 118 б.

*Масъул муҳаррир:* **А.Сулаймонов** – педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим

*Тақризчилар:* **О.Мусурмонова** – педагогика фанлари доктори, профессор

**Г.Маҳмудова** – фалсафа фанлари доктори, профессор

**У.Махкамов** – педагогика фанлари доктори, профессор

**М.Иноятова** – педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим

Монография Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашнинг 2021 йил 29 ноябрдаги 8-сон баённомаси қарорига асосан нашр этилди.

УДК: 811.512
КБК 83(5Ў)

© Н.Сулаймонова, 2021.

*Ушбу монографияни ёзишда яқиндан ёрдам берган,*
*чин маънода олим инсон, илм йўлида маслаҳатгўйим,*
*менинг биринчи устозим, падари бузрукворим*
***АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ**га*
*чексиз ташаккурларимни изҳор этаман!*

# СЎЗБОШИ

Шарқ халқларининг муштарак қадриятлари тизимида, шубҳасиз, комил инсон тарбиясига устувор тарзда эътибор қаратиб келинган. Бу узлуксиз жараёнда аждодларнинг илмий, маънавий мероси ҳамда педагогик қарашлари, ғоялари ва таълимотларидан фойдаланиб келинган. Зеро, Шарқ ҳамиша ўзининг буюк алломалари ва уларнинг дидактик асарлари билан дунё халқлари учун ўзига хос намуна бўлиб келган. Шундай алломалардан бири Шарқнинг буюк алломаси, инсоният тамаддунига ўзининг беқиёс илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини ўрганиш ҳамда баркамол авлод тарбиясида фойдаланиш мамлакатимиз ижтимоий-таълимий соҳасининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Унинг мероси бутун дунё миқёсида ўрганиб келинган, бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Шубҳасиз, алломанинг бевосита тарихий юртдошлари, илмий меросининг ворислари бўлган ўзбекистонлик олимлар ҳам Замахшарийнинг асарларини ўқиб ўрганиш, тадқиқ этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Эндиликда Замахшарийшуносликда филологиянинг турли ихтисосликлари, хусусан, луғатшунослик, исломшунослик, Қуръон шарҳлари, тарих, айниқса, тарихий ва адабий манбашунослик борасида ўзига хос мактаб юзага келди. Бу борада А.Рустамов, Ў.Қориев, У.Уватов, Т.Исломовларнинг илмий фаолиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Замахшарий илмий меросини ўрганиш кўлами кенгайиб бораётганлиги асносида алломанинг меросида, биринчи галда инсон омилини, унинг баркамоллигини таъминлашнинг турли